

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzarb  
muammolari**

1 (4) 2024

**2024**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

## **ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 1(4) - 2024*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2024**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори. сиёсий фанлар номзоди. профессор.

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети Тарих факултети доценти

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳақимов Назар Ҳақимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гўлнора Абдукаҳхаровна –  
т

Гурдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;  
Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Электрон журнал **1368-сонли гувоҳнома** билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEM S TEAM” масъулияти чекланган жамияти.

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

<i>Mustafoyev Abubakr Muhiddin o'g'li</i> XIII VA XIV-ASRDA YASHAB IJOD ETGAN BUXORO FAQIHLARI VA ULARNING ASARLARI TAVSIFI (1-qism).....	9-14
<i>Mirzayev Avazbek</i> ANDIJON TAJRIBA PAXTA DALASI TARIXINING ARXIV HUJJATLARIDA YORITILISHI .....	15-21
<i>Алиджанова Лазизахон Аббасовна</i> ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРДА ДИН ВА ТАБОБАТ МАСАЛАСИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР .....	22-28
<i>Sobirov Sardorbek Abdusattor o'g'li</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMIDA SHARQIY TURKISTONDA ROSSIYA VA BRITANIYA IMPERIYALARI RAQOBATI .....	29-34
<i>Джалолов Бахром Джамолович</i> СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТАЯККАҲОКИМЛИГИ” СИЁСАТИ ВА БОЛАЛАРГА КЎРСАТГАН ТАЪСИРИ .....	35-39
<i>Махматкулова Нозикой Чориёевна</i> О'ЗБЕКИСТОНДА XX ASRNING IKKINCHI YARMIDA IRRIGATSIYA-MELIORATSIYA VA QISHLOQ XO'JALIGINI MEKANIZATSIYALASH SOHASIDA YURITILGAN KADRLAR SIYOSATI .....	40-45
<i>Ochilov Farhod</i> О'ЗБЕКИСТОНДА О'ZINI О'ZI BOSHQARISH ORGANLARINING АНОЛИНИ ИЖТИМОИЙ НИМОYA QILISHDAGI FAOLIYATI .....	46-52
<i>Ҳамроева Нодира Нормуродовна</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ЖАРАЁНИДА ИЖТИМОИЙ МУОММОЛАР .....	53-58
<i>Мамажонов Алишер, Алишеров Абдувоҳид Алишерович</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ГИДРОЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ТАРИХИ .....	59-65
<i>Tursunov Ravshan Normuratovich</i> XIX-ASRNING IKKINCHI YARMI – XX-ASR BOSHIDA TURKISTON O'LKASIDA SODIR BOLGAN ZILZILALAR TARIXIGA BIR NAZAR .....	66-71

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

<i>Умурзакова Мўътабархон Нодир қизи</i> СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ТИББИЙ СУҒУРТА АСОСИДА МОЛИЯЛАШТИРИШ МОДЕЛИ .....	72-78
<i>Ro'zmetov Bahodir Shomurotovich</i> TURIZMDA XIZMATLAR MOHIYATI VA UNING IJTIMOIIY-IQTISODIY RIVOJLANISHNI TA'MINLASHDAGI O'RNI .....	79-90
<i>Shanazarova Nilufar Baratovna</i> MILLIY IQTISODIYOTDA TRANSPORTNING АНАМИYATI .....	91-99
<i>Рахимов Ойбек Бахтиёрович</i> АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ СУҒУРТА ҚИЛИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МОХИЯТИ .....	100-109

<i>Болтаев Нурали Шираматович</i> АГРАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА КАДРЛАР САЛОҲИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ АСОСИДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ .....	110-118
<i>Эрханов Муҳаммаджон Абсайитович</i> ДАВЛАТНИНГ ХАЛҚАРО РЕЙТИНГ ВА ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИНИ ЯХШИЛАШДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИНГ ЎРНИ .....	119-124
<i>Жураева Гульзира</i> АНАЛИЗ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕЖДУНАРОДНОЙ ТОРГОВЛЕ И УСЛУГАХ В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ .....	125-130
<i>Akbarov Husan O'zbekxonovich</i> BOG'DORCHILIKDA TEXNIK SAMARADORLIKNI TAHLIL ETISHNING PARAMETRIK VA NOPARAMETRIK USULLARI .....	131-136
<i>Yaqubova Yulduz Raimovna</i> KICHIK BIZNES SUBYEKTLARINING ISHLAB CHIQRISHINI SAMARALI AMALGA OSHIRISH KO'RSATKICHLARI .....	137-147
<i>Рахимбаев Акмал Азатбоевич</i> ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДЛАРИНИ САНОАТГА ИХТИСОСЛАШУВ ДАРАЖАСИНИ ТАРМОҚЛАР БЎЙИЧА АНИҚЛАШ .....	148-157
<i>Saidmurodov Feruz Sodiqjon o'g'li</i> SAMARALI SOLIQ SIYOSATI-INNOVATSION RIVOJLANISHGA O'TISHNING ASOSIY SHARTI .....	158-170
<b>09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ</b>	
<i>Наврўзова Гулчеҳра Нигматовна</i> БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОЙЛАРИНИ ШАРҲЛАГАН АЛЛОМА .....	171-175
<i>Шарифходжаева Наргиза Абдуманноновна</i> ФИЛОСОФИЯ СВОБОДЫ, РАВЕНСТВА И СОЦИАЛЬНОЙ СПРАВЕДЛИВОСТИ МУХАММАДА АЛИ ДЖИННЫ .....	176-181
<i>Nasimov Azizbek Azimovich</i> АХВОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ РИВОЖЛАНИШИДА АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ МОНИЯТИ .....	182-186
<i>Norkulov Olim Nasimovich</i> GLOBALLASHUV JARAYONIDA MIGRATSIYANING AHOLI AXLOQIY QADRIYATLARIGA TA'SIRI .....	187-191
<i>Хасанов Бобуржон Хакимович</i> ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	192-197
<i>Quratboyev Alisher Maxsudovich</i> YANGI O'ZBEKISTON VA IJTIMOY DAVLATCHILIK .....	198-204
<i>Raxmonberdiyev Islombek Ilxom o'gli</i> SIVILIZATSIYALAR TARAQQIYOTIDA MADANIYATLAR TO'QNASHUVINING IJTIMOY- FALSAFIY AHAMIYATI (Samyuel F. Xantingtonning "Sivilizatsiyalar to'qnashuvi" asari asosida).....	205-214

<i>Shukurov Orif Jumaboyevich</i> JAMIYATDA YOSHLARNING IJTIMOYIY AKTIVLIGINI OSHIRISH XUSUSIYATLARI VA TAMOYILLARI .....	215-219
<b>10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ</b>	
<i>Akhmedov Oybek Saporbayevich</i> THEORETICAL OVERVIEW OF THE DEFINITION “TERM” AND “TERMINOLOGY” IN LINGUISTIC SURVEYS .....	220-227
<i>Ravshanova Gulrukhbegim Qaxramon qizi</i> ЯНГИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА ҲАЖВНАВИСЛИК АНЪАНАСИ .....	228-232
<i>Ortiqova Mavluda Nurmahammadovna</i> AQOID ILMIDA KAROMAT TUSHUNCHASI VA BADIY ADABIYOTDAGI TALQINI .....	233-237
<i>Uliqova Mavludaxon</i> “QON-QARINDOSH” KONSEPTINI FONETIK-FONOLOGIK SATHDA NAMOYON BO’LISHI .....	238-243
<i>Rahmonov Asror ibni Nusrat</i> HERMANN HESSE HAYOTI, IJODI VA ADABIYOTDAGI O’RNI .....	244-252
<i>Raxmatova Dilafruz Nusratilloevna</i> SAMARQAND JADIDCHILIK MAKTABI VAKILLARI ASARLARINING TIL XUSUSIYATI ....	253-258
<i>Djuraeva Muxlisa Shadiyarovna</i> INGLIZ VA O’ZBEK TILLARIDA OILAVIY NUTQDAGI IJTIMOYIY-MADANIY FARQLAR ....	259-265
<i>Vokhidova Tamanno Saidjonovna</i> MEDIALINGUISTICS AS A MODERN SCIENTIFIC DIRECTION .....	266-271
<i>Djurayeva Shahlo G’ulom qizi, Sattarova Ismigul Baxtiyorovna</i> INGLIZ ADABIYOTLARIDA KIRITMA BIRLIKLARINING BADIY SEMANTIKASI .....	272-277
<b>12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР</b>	
<i>Uzakova Go’zal Sharipovna</i> O’ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA “YASHIL QURILISH”NI AMALGA OSHIRISHNING HUQUQIY MASALALARI .....	278-286
<i>Murzaev Shuxrat Shavkatovich</i> СУЩНОСТЬ И СОДЕРЖАНИЕ КАТЕГОРИИ ПРАВОПОНИМАНИЯ .....	287-293
<i>Qosimov Botirjon Ma’rufjon o’g’li</i> SUD HOKIMIYATINING MOLIYAVIY MUSTAQILLIGI: KONSTITUTSIYAVIY TAHLIL .....	294-301
<i>Islombek Abdikhakimov</i> QUANTUM COMPUTING AND LEGAL READINESS FOR E-GOVERNMENT SERVICES .....	302-309
<i>Hodjaeva Shirinxon Olimxon kizi</i> ПЕРСПЕКТИВЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИСКУССТВЕННОГО ИНТЕЛЛЕКТА В СУДЕБНОЙ СИСТЕМЕ .....	310-315
<i>Jiyenbayev Bahadir Ospanovich</i> EKOLOGIK AUDITNI HUQUQIY TA’MINLASHNING AYRIM XUSUSIYATLARI: MILLIY VA XORIJIY TAJRIBA .....	316-322
<i>Aliшаев Собир Турсунбоевич</i> СУД ҲУКМИНИ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ .....	323-329

*Адембаев Аралбай Куралбаевич*

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ  
ҲАРАКАТИ ЁКИ УЛАРДАН ФЙДАЛАНИШ ХАВФСИЗЛИГИ ҚОЙДАЛАРИНИ БУЗИШ УЧУН  
ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ ..... 330-339

### **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Матенов Рашид Бекимбетович, Анатолий Викторович Тряпельников*

ЮРИДИЧЕСКИЙ ТЕКСТ КАК ОБЪЕКТ ОБУЧЕНИЯ РУССКОМУ ЯЗЫКУ СТУДЕНТОВ-  
ЮРИСТОВ: ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ И МЕЖОТРАСЛЕВЫЕ  
ПЕРСПЕКТИВЫ ..... 340-346

*Хаййева Ирода Адамбаевна*

TALABALARGA ZAMONAVIY O'ZBEK SHE'RIYATI VA FOLKLOR MUNOSABATINI  
TUSHUNTIRISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING O'RNI ..... 347-351

*Ayatov Raximberdi Ibragimovich*

XORIJIY TILDA TURIZM VA MEHMONXONA BIZNESI SOHASIGA OID SO'Z VA IBORALARNI  
O'QITISHDA TIL KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH ..... 352-357

*Saidova Dilobar Ikrambayevna*

MEHRIBONLIK UYLARI TARBIYALANUVCHILARIDA IJTIMOY XULQ-ATVORNI  
RIVOJLANTIRISH ZARURATI ..... 358-361

*Eshqobilov Elmurod Menglimurod o'g'li*

KOMPETENSIYAVIY YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHISINING  
KASBIY-PEDAGOGIK IJODKORLIKNI RIVOJLANTIRISH  
METODIKASI ..... 362-367

*Ҳамдамова Шахноза Юсупалиевна*

ТИББИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИОН ЁНДАДАШУВ АСОСИДА  
ТАЛАБАЛАРНИ КАСБИЙ ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ..... 368-375

*Janonova Sitora Berdinazarovna*

ТА'ЛИМ ВА ТАРБИYA ТАРАҚҚИYOTИДА КОММУНИКАТИV КОМПЕТЕНСИYA  
TUSHUNCHASINING O'RNI ..... 376-381

*Турсунбоева Мухлиса Анвар қизи*

ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛЬТЕТЛАРИДА ИНГЛИЗ ТИЛИНИ КАСБГА  
ЙЎНАЛТИРИЛГАНЛИК АСОСИДА ЎҚИТИШ ПЕДАГОГИК МУАММО  
СИФАТИДА ..... 382-387

*Bakhadirova Shoxina Nadir kizi*

INGLIZ TILIDA GAPIRISH KO'NIKMASINI RIVOJLANTIRISHGA YO'NALTIRILGAN MASHQ VA  
TOPSHIRIQLARNI ONLINE KO'RINISHDA O'QITISH ..... 388-392

*Qurbonova O'lmasoy Usmonovna, Niyozova Shohista Nusratilloevna*

OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK OMILLARI ..... 393-397

*Xudayberdiyeva Mahliyo Zayniddin qizi*

BO'LAJAK O'QITUVCHILARDA KOMMUNIKATIV YONDASHUV ASOSIDA KASBIY SIFATLARINI  
RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK SHART-SHAROITLARI VA INNOVATSION  
METODLARI ..... 398-403



**Хасанов Бобуржон Хакимович**  
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон  
Миллий университети тадқиқотчиси  
[sherzodxamrayev1990@gmail.com](mailto:sherzodxamrayev1990@gmail.com)

## ОММАВИЙ НОРОЗИЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** Ушбу мақолада мамлакатимизда аҳолининг оммавий норозилигини келтириб чиқарувчи омилларни аниқлаш, ушбу омилларни тизимли бартараф этиш, содир этилган оммавий норозилик намоёишларини бартараф этиш орқали мамлакатда тинчлик, осойишталикни таъминлаш билан боғлиқ самарали тизим баён қилинган.

**Таянч сўзлар:** норозилик, омма кайфияти, хавфсизлик, сиёсат-ижтимоий вазият, ижтимоий фикр, фалсафа.

---

**Khasanov Boburjon Khakimovich**  
Researcher at the National University of  
Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

## PROSPECTS FOR IMPROVING THE EFFECTIVENESS OF THE PREVENTION OF MASS PROTESTS

**Abstract:** This article describes an effective system associated with the identification of factors causing mass discontent of the population in our country, the systematic elimination of these factors, the elimination of mass protests.

**Keywords:** protest, public sentiment, security, political and social situation, public opinion, philosophy.

---

**Хасанов Бобуржон Хакимович**  
соискатель Национального университета  
Узбекистана имени Мирзо Улугбека

## ПЕРСПЕКТИВЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ МАССОВЫХ ПРОТЕСТОВ

**Аннотация:** В данной статье описана эффективная система, связанная с выявлением факторов, вызывающих массовое недовольство населения в нашей стране, планомерным устранением этих факторов, ликвидацией массовых протестов.

**Ключевые слова:** протест, общественные настроения, безопасность, политико-социальная ситуация, общественное мнение, философия.

---

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4I1Y2024N26>

Бугунги кунда Республикамизда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, давлат ва жамият барқарор ривожланиши учун барча соҳаларда жадал ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Замонавий босқичда оммавий норозиликларни олдини олиш бўйича хорижий тажрибани қўллаган ҳолда, бир қатор йўналишларда ислоҳотларни амалга ошириш келгусида бу каби кўнгилсиз барвақт аниқлаш ва уни бартараф этишда ўзининг ижобий натижаларини беради.

Мамлакатимизда оммавий норозиликларни келтириб чиқарувчи омилларни барвақт аниқлаш ва уни бартараф этишдан кўра, норозиликлар реал ҳолатда вужудга келгандан сўнг уни бартараф этиш билан боғлиқ бўлган муносабатларга эътибор қаратилади.

Шу нуқтайи назардан ҳам оммавий норозиликларни барвақт аниқлаш ва уни олдини олишга қаратилган фаолият самарадорлигини ошириш долзарблик касб этмоқда.

Умумлаштирган ҳолда оммавий норозиликларни олдини олиш самарадорлигини ошириш йўналишларини иккита гуруҳга (олдини олиш ва бартараф этиш) бўлган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқ.

Оммавий норозиликларнинг **олдини олишга қаратилган фаолият** йўналишида қуйидаги ишларни амалга ошириш талаб қилинади.

Хориж тажрибаси асосида жамиятда “Омма кайфияти” тушунчасини шакллантириш ва унинг салбий ёки ижобий характерда эканлигини аниқлаш бўйича юқорида келтирилган баҳолаш мезонини амалиётга татбиқ этиш лозим.

Ушбу мезон асосида ҳар бир ҳудуддаги “омма кайфияти”ни ижобий ва салбий характерда эканлигини аниқлаб, қайси бир мезон бўйича муаммо аниқланса, шу асосда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда ҲМҚ органлар ўзаро ҳамкорлиги йўли билан тегишли вазифалар амалга оширилади. Бу вазифалар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

а) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Президент ҳузуридаги Жамоатчилик палатаси, “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда ҲМҚ органлари билан ҳамкорликда иқтисодий вазиятни, аҳоли турмуш даражасини, ҳуқуқни муҳофаза қилиш самарадорлигини, сиёсий,

иқтисодий ва ижтимоий вазиятнинг барқарорлигини, аҳоли маънавиятини, ҳудуд, сиёсий ва этник хусусиятлар каби омилларни ҳисобга олган

ҳолда доимий **ахборот таҳлил ишларини олиб бориш.**

б) Иқтисодий объектларни яратиш ёки янада ривожлантириш, айниқса, **ёшлар** учун турли хил **бандлик дастурларини амалга ошириш**, шу билан бирга **иш ўринларини кўпайтириш**, меҳнат қонунчилигига риоя қилишни доимий назорат қилиш орқали аҳолининг жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашга бўлган **фаолликларини рағбатлантириш.**

в) Куч ишлатишдан асоссиз фойдаланишни **қоралаш**, ОАВда оммавий норозиликлар оқибатида келиб чиқадиган тартибсизликларнинг **ҳуқуқий** ва бошқа

**салбий оқибатлари** тўғрисида кенг тушунча бериш, жаҳонда юз бераётган оммавий норозиликлардан **ёрқин мисоллар келтириш** ва бошқалар.

Мамлакатда **соғлом ички муҳолифатни** шакллантириш, **сиёсатчилар** ва **ОАВ вакилларнинг ролини ошириш**.

Президентимиз Ш.Мирзиёев 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабнинг янги биносида ёшлар билан учрашув чоғида ва 2020 йил 20 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисидаги нутқида **“ички муҳолифат тузилишига қарши эмаслигини, унинг ташқаридан кириб келмасдан жамият ичида табиий равишда вужудга келган бўлиши лозимлигини, унинг учун шу ерда муҳит яратилиши кераклигини таъкидлаб ўтди.** [1, 23]

Бу билан асосан давлатдаги турли ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни аниқлаб, уларни давлат юқори органига олиб чиқиш, жамоатчилик муҳокамасига айлантириш имконияти вужудга келади.

Бундан ташқари, ички муҳолифатнинг мавжудлиги ва журналистлар фаоллиги ташқи кучларнинг давлат ички ишларига аралашиб, турли муаммоларнинг ҳал этилмасдан сақланиб қолаётганлиги, давлат органларининг бундан хабардор эмаслиги каби важдари билан давлат сиёсатига салбий таъсир ўтказишини ҳамда фуқаролар онгини манипуляция қилишнинг олдини олишга имкон беради.

Бугунги кунда аҳолининг оммавий норозилигига сабаб бўлувчи муаммоларни самарали ҳал этиш мақсадида, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасида **“Митинг, йиғилиш ва намойишлар тўғрисида”** ги қонунни қабул қилиш лозим. [5]

Ҳозирда рухсат этилмаган норозилик намойишлари сони ошиб бормоқда, лекин жавобгарликка тортиш учун ҳуқуқий асоснинг йўқлиги келгусида

ҲМҚ органлар фаолиятига ўзининг салбий таъсирини ўтказида.

Бундан ташқари норози кайфиятдаги шахслар ва “ҳуқуқ ҳимоячилари” томонидан турли норозилик намойишлари содир этилишини барвақт олдини олиш ва уларнинг муаммоларини жойларнинг ўзида ижобий ҳал этишга йўналтирилган **“Идоралараро тизим”**ни шакллантириш лозим.

Бунда пойтахт ва вилоят марказларида оммани жалб қилган ҳолда, ўтказиладиган норозилик намойишларини олдини олиш бўйича алоҳида

“Ишчи гуруҳ”лар ташкил этилади.

Мазкур “Ишчи гуруҳ” томонидан норозилик намойишлари етакчиларини уларнинг мурожаатлари тааллуқли бўлган идоранинг масъул шахси томонидан қабул қилиниши ташкиллаштирилади.

Республика миқёсида, ҳал этилмаётган муаммолари сабабли норози кайфиятда бўлган шахсларнинг шакллантирилган рўйхатлари асосида, уларнинг мурожаатларини синчковлик билан ўрганилиши ва фуқароларда ўрганиш натижаларидан “қониқиш” ҳосил қилинишини таъминлаш чоралари кўрилади.

Шунингдек, ҳар чорак якунида, ушбу “Ишчи гуруҳ” томонидан миллий телерадиокомпаниялар мутахассисларини жалб этган ҳолда, рухсат этилмаган норозилик намойишларида ўтказганлик ва унда иштирок этганлик учун жавобгарликни назарда тутадиган видеороликлар тайёрланиб, уларни телевидение орқали намойиш этиб борилади. [4]

Давлат ҳокимияти органлари, ХМҚ органлар ва аҳоли ўртасида турли ижтимоий муаммолар юзасидан ўзаро оммавий низоларнинг вужудга келаётганлиги ҳамда уларнинг ноҳолис тарзда ижтимоий тармоқларда кенг ёритилиши замирида аҳолининг давлат ҳокимияти органларига бўлган ишончи йўқолиб бормоқда.

Шунинг учун келгусида давлат ҳокимияти органлари ва аҳоли ўртасида турли келишмовчиликлар билан боғлиқ бўлган муносабатларни (масалан: ноқонуний қурилган уй-жойларни бузиш) ҳал қилишда Адлия вазирлигидан тегишли тартибда рўйхатдан ўтган, холисона ахборот тарқатиш мажбуриятини ўз зиммасига олган кўпчилик аҳоли томонидан кузатиб бориладиган (кун.уз, дарё.уз) ОАВ вакилларининг бевосита иштирокини таъминлаш.

Мисол учун, ҳозирда ноқонуний тарзда эгаллаб олинган давлат ерларини мажбурий тартибда давлат тасарруфига қайтариш бутун Республика бўйлаб амалга оширилмоқда.

Бу бўйича тегишли давлат ҳокимияти органлари ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилган ва улар ҳудудларга чиқиб аҳолидан ерларни давлат тасарруфига қайтаришни талаб қилишмоқда, лекин кўпчилик аҳоли бунга қаршилик билдириши натижасида ички ишлар органи ходимлари ва аҳоли ўртасида муштлашув ҳолатларигача бориб етмоқда.

Бу вазиятда кўплаб норасмий ижтимоий тармоқлар давлат органи ходимларини айбдор сифатида бир томонлама баҳоланган ахборот тарқатмоқда. Агар келгусида ишчи гуруҳ билан бирга расмий ОАВ вакиллари жараёнда бевосита иштирок этиб холисона ахборот тарқатса кейинчалик юқоридаги салбий ҳолатлар такрорланишини олди олиниши мумкин.

Оммавий норозиликларни реал ҳолатда вужудга келгандан сўнг уни **бартараф этишга қаратилган фаолият** йўналишида қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

НАТО ва Франциянинг Crowd and Riot Control концепцияси андозасида Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия ҳамкорлигида ягона тизимли дастур ишлаб чиқиш, унда НАТО концепциясидан фарқли равишда норозиликларнинг олдини олишга қаратилган (профилактик) чора-тадбирларга ҳам эътибор қаратиш.

Дастурни ишлаб чиқишда Франция тажрибаси бўйича комплекс ёндашувни қўллаш, яъни унда оммавий норозиликлар бошлангандан токи тугагунга қадар бўлган барча жараённи назорат қилиш ва бошқариш имконини берувчи оломон тузилиши, характери бўйича разведка қилиш, олдиндан оломоннинг ҳаракатлари хусусида маълумотга эга бўлиш, махсус бўлимларни керакли куч ва воситалар билан таъминлаш, шахсий таркибни жанговар ҳолатда доимий ушлаш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этиш, керакли маълумотларни қайта ишлаш ва мониторинг қилиб бориш бўйича тадбирларни белгилаш.

Бундан ташқари, дастур ижросини ўз вақтида таъминлаш юзасидан ИИБ ёки МГ таркибида тегишли бўлим ташкил қилиш.

Оммавий норозиликлар оқибатида келиб чиқадиган тартибсизликлар жиноятда иштирокчилик шаклига кўра мураккаб иштирокчилик ҳисобланади, яъни у бевосита оломон томонидан содир этилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 217 ва 244-моддалари бўйича митинг, йиғилиш ва намойишлар ҳамда оммавий тартибсизликлар содир этишда фақат ташкилотчилар ва фаол иштирокчилар жавобгарликка тортилиши белгиланган, демак биз айбдорни жавобгарликка тортиш учун оломон таркибидан ташкилотчи ва фаол иштирокчиларни ажратиб олишимиз лозим. [3]

Биздаги амалиётда оломон ичидан ташкилотчи ва фаол иштирокчиларни аниқлаш фақат олинган тезкор маълумотлар ва гувоҳларни сўроқ қилиш орқали амалга оширилади, хориж тажрибасида эса оммавий тартибсизликлар бошлангандан токи бартараф қилишгача бўлган жараёнлар, субъектлар ҳаракати махсус бўлимларга тегишли кузатув камералари ва дронлар орқали видео тасвирга олиб борилади. Бу эса келгусида махсус бўлим ходимларининг асосли равишда куч ишлатишганини исботлаш, бевосита айбдор шахсларни аниқлаб жавобгарликка тортишда суд ва тергов органлари учун муҳим далил бўлиб хизмат қилади. [1]

Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардиянинг оммавий норозиликларни бартараф этишда иштирок этувчи махсус бўлимларни кузатув камералари ва дронлар билан таъминлаш ҳамда **“Хавфсиз шаҳар” концепцияси** бўйича шаҳар кўчаларга жойлаштирилган кузатув камералари имкониятларидан ушбу мақсадларда фойдаланиш, норозилик намойишлари нисбатан кўп учрайдиган ҳудудларни қўшимча кузатув камералари билан жиҳозлаш истиқболда оммавий тартибсизликларга қарши кураш тизимини такомиллаштиришга ёрдам беради. [2]

Бундан ташқари, бевосита оммавий норозиликлар юз берганда ундаги тажовузкор **оломонни бошқариш** ва **бартараф қилишга қаратилган қуйидаги тавсиялардан фойдаланиш** мақсадга мувофиқ бўлади:

- ҳар қандай ҳолатда, заруратсиз оломонга нисбатан таъсир қилиш, эгаллаб турган жойидан қисиб ташлаш ёки сиқиб қўйиш чораларини қўлламастик, ҳамда унга тазйиқ ўтказиш ва саросимага тушишга йўл қўймаслик;
- оломонга одамларни келиб қўшилиши ва бунинг натижасида кўпайиши мумкин бўлган йўللارни ёпиш, вақтни чўзиш, вақт оломонга қарши ишлайди. Чунки, вақт ўтган сари одамлар толиқадилар, чарчайдилар бунинг натижасида уларнинг фаоллиги сусаяди;
- оломон билан узлуксиз музокараларни олиб бориш, музокараларда тажрибали, халқ орасида ҳурмат эътибор қозонган шахслар ёки мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда оломон талаб қилаётган вакиллар бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, оммавий норозилик намойишларини бартараф этишдан кўра, уни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашга қаратилган тадбирларни кучайтириш ва ушбу тизимни доимий равишда олиб бориш, мамлакат тинчлиги ва барқарорлиги, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга замин бўлади.

### Адабиётлар / Литература / References:

1. “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 27-сонли Президент фармони. 2021 й.

2. «Хавфсиз шаҳар» лойиҳасини амалга ошириш бўйича босқичма-босқич чоратadbирлар ва технологик ёндашувни ташкил қилиш тўғрисида 343-сонли Вазирлар Маҳкамаси қарори. 2018 й.
3. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 217-моддаси ва 244-моддаси
4. <https://kun.uz/news/2019/12/28/shavkat-mirziyoyev-xorijdan-keladigan-muxolifatga-qarshiman>
5. <https://kun.uz/news/2020/08/19/ozbekistonda-miting-yigilish-va-namoyishlar-togrisidagi-qonun-loyihasi-elon-qilindi>

# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 1 (4) – 2024*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).